

СМЕТА ИШЛАРИ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 4К953а

Урганч шаҳри

"23" 11 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари Давлат Кўмитаси Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи **Ф.Садуллаев**, бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «Хоразмйуллойиха» ЛК МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Х.Турдиев** иккинчи томондан Хоразм вилояти **4К953а** Қалажиқ кўлига **ПК51+50** 26пм узунликдаги Аблкўл заҳкаши кўприги тўла таъмирлаш учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир мазкур шартномани туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

Лойиха смета ишлари – лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш;

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил "15" ноябрдаги 57766-сонли баёнига ва 185105-ракамли лотга асосан бажариладиган **лойиха смета ишлари** қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмаларини ва пудратчининг бошқа харажатларини ичига олган ҳолда жорий нархларда **31 000 000 (Ўттиз бир миллион) (ҚҚС билан)** сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

Тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, таъминот ва алоқа, ёнғин хавфсизлиги назорати) тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

6. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлайди.

Ушбу лойиха-смета ҳужжатлари асосида қуриладиган объектни қурилиши бошланишидан қурилиши тугалланиб фойдаланишга топширгандан кейин қафолат муддати тугагунга қадар тўлалигича муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади.

Буюртмачи билан биргаликда ишлаб чиқилган лойиха-смета ҳужжатларини Давлат ва экологик экспертизалардан утказиш, уларнинг қайд қилган хато ва камчиликларини билдирган эътирозларини бегараз бартараф қилиш мажбуриятини олади.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш.

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Мазкур шартнома асосида лойиха смета ҳужжатларини бажариш 7 кун этиб белгиланади.

Ишларнинг бошланиши 23 / 11 2022 йил

Ишларнинг тугалланиши 31 / 12 2022 йил

9. Буюртмачи томонидан лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, зарур бўладиган бошланғич бирламчи маълумотларни бериш ва Пудратчи томонидан Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета ҳужжатларини босқичларга бўлиб ёки бўлмасдан ишлаб чиқиш, алоҳида ҳолларда бошқа кўшимча ишларнинг бажарилишини бошлаш ва бажариб амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар келишиб тузиладиган календар жадвалда белгилайдилар ва календар жадвал мазкур шартноманинг айрилмас қисми ҳисобланади.

Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабргача.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

10. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширади

11. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича хар (режалаштирилган) ойнинг иш қийматининг 30 фоизидан кам булмаган миқдорда аванс маблағ ўтказиши.

12. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича йил давомида объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

13. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

15. Пудратчи томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

16. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

17. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

18. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

19. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги хақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини оидинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

20. Ҳазаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш хақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

21. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни бегараз бартараф этиши керак.

22. Агар Пудратчи ўтган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

24. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

25. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. КАФОЛАТЛАР

26. Буюртмачи 1- бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

27. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг Ҳазаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва ХПКга асосан белгиланади.

X. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

28. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бажарувчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Бажарувчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Бажарувчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

29. Бажарувчи:

ишларнинг бажарилиши Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Бажарувчига тўлайди.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

32. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади. Бажарувчи **Ўзбекистон Республикаси Қонунларига** асосан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Бажарувчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, Бажарувчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Бажарувчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ўз кучи билан Бажарувчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

36. Бажарувчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчи ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

37. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

38. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Бажарувчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

42. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

43. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси

Хоразм вилояти Урганч шаҳри
Хива шох куча 1 км
ШХР: 301821960334017045204118159
ИНН: 201715124 ОКОНХ: 97400
Молия вазирлиги Газначилиги
х/р 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш. бош бошқармаси ХККМ
МФО: 00094 ИНН: 201122919

Директор:  Ф. Садуллаев

Юрист:  Р. Павлов

БАЖАРУВЧИ

«Хоразмйуллойиха» лойиха кидирув масъулияти чекланган жамияти

Хоразм Вилояти Урганч шаҳри
Хива Шох кучаси 2-уй
Тошкент ш. «ЎзСаноатҚурилишБанк»
АТБ Бош офиси
Х/р 20208000100402952001 МФО 00440
ИНН 200408269 ОКЭД 71120

Директор:  Х. Турдиев



СМЕТА №1
на проектно-исследовательские работы

Стадия проектирования и наименование объекта: *Разработка рабочего проекта "Хоразм вилояти 4К953а Калажик кулига ПК51+50 26пм узунликдаги Абдул захкаши куприги объекти"*

Наименование проектной (исследовательской) организации: *ПИ ООО "Хоразмйуллойиха"*

Наименование организации заказчика: *Хорезмское территориальное управление автомобильных дорог*

№	Наименование работ	Обоснование	Расчет стоимости	Стоимость, тыс. сум
1	Разработка рабочего проекта "Хоразм вилояти 4К953а Калажик кулига ПК51+50 26пм узунликдаги Абдул захкаши куприги объекти". Стоимость СМР объекта в текущих ценах без НДС 1 400 000 тыс.сум	Приказ Министра строительства Республики Узбекистан №396 от 19 августа 2019 года Категория сложности III	1 400 000x0,05x0,17	26 956,52
2	Итого без НДС:			26 956,52
3	НДС 15%			4 043,48
4	Всего:			31 000,000

Итого по смете стоимость ПИР составляет: **31 000 000 (Тридцать один миллион) сумов**




Директор

(подпись)

Х. Турдиев

"23" 11 2022 год



Қазақстан Республикасы Президентінің 2022 жыл 25 октябрындағы ПҚ-408 қаары тарама Халық депутаттары Хоразм вилоят кеңешінің 5 ноябрындағы УТ-54-151-12-Ф-К/22 сонғы қарорына асосан уәлияттік фондтағы қаржылар мен ақпараттық ресурстарды қолдануға қатысты шешімдер қабылдауы туралы

МАНЭИДИЙ РҰЙХАТИ

№	Объект атауы, мөлшері және құны (құрылыс бағасы)	Құрылыс нысанының атауы	Лейзақтың құны (ноқ қыяматлар)	Құрылыс шартнама тұлғалар арасында жұмыс қыяматы, шу жұмыстан бұртмачи қараматлары	01.01.2022 й қолтаға құрылыс қолдқ қыяматы, шу жұмыстан бұртмачини қараматлары	01.01.2022 й қолтаға құрылыс қолдқ қыяматы (сайт қыямат бунча) шу жұмыстан бұртмачини қараматлары	01.01.2022 й қолтаға тәмирлеш нысанның қыяматы бунча қолдқ қыяматы, шу жұмыстан бұртмачини қараматлары	Жан қолтаға құрылыс	Шу қолтаға			Ишга таширлаған қууат (чорак)	Ассей фондларини ишга таширлаған	Қурылыс тұлғаларын объектларини қолдқ қыяматы, шу жұмыстан бұртмачи қараматлары	Пудрат шартнама асосан мөлшерлештирлеш бунча қолтаға 01.01.2022 й та қолдқ қыяматы, шу жұмыстан бұртмачини	Лейза эксертиза санас ва №	Пудрат таширлаған нысанның атауы	Пудратчи құрылыс таширлаған	
									КМИ	Жақоулар	Бұртмачи қараматлар								
Бюджет түрлери																			
1	4495 й Қазанға құрылыс ПҚС1-40 Жаны тұрғынхана Ақсуа қаласы ауданы	2022 й	26 м	1 560 833,849	1 560 833,849	1 560 833,849	1 560 833,849	1 560 833,849	1 560 833,849	1 496 843,849	64 010,000	64 010,000	1 422 001,657	0,000	0,000	0,000	№ 11, 2022 й № 75152	№ 279, 1442, 2179	Хоразм КРӨҰК
2	Бюджет түрлери 4495 й Қазанға құрылыс ақпараттық құрылыс ПҚС9-40 15 м	2022 й	15 м	111 430,091	111 430,091	111 430,091	111 430,091	111 430,091	107 420,091	4 010,000	4 010,000	111 430,091	0,000	0,000	0,000	№ 11, 2022 й № 75152	№ 279, 1442, 2179	Хоразм КРӨҰК	
3	Бюджет түрлери 4495 й Қазанға құрылыс ақпараттық құрылыс ПҚС9-40 35 м	2022 й	35 м	319 970,992	319 970,992	319 970,992	319 970,992	319 970,992	307 960,992	12 010,000	12 010,000	319 970,992	0,000	0,000	0,000	№ 11, 2022 й № 75152	№ 279, 1442, 2179	Хоразм КРӨҰК	
Халықаралық түрлери																			
4	"Хоразм" мемлекеттік бюджет түрлери № 170 аяғы аяғындағы құрылыс аяғы аяғындағы	2022 й	4 м	447 174,426	447 174,426	447 174,426	447 174,426	447 174,426	429 564,426	17 610,000	17 610,000	447 174,426	0,000	0,000	0,000	№ 11, 2022 й № 75152	№ 279, 1442, 2179	Хоразм КРӨҰК	

